

Масжидда бўлган ғаройиб воқеа



11:00 / 01.07.2019 6840

Муаззин азон айтиб бўлгач, масжид имомининг олдига бир девонасифат йигит келди-да, «Ҳазрат, майлими сизлар билан биргаликда ибодат қилсам?», деди. Имомнинг бу девонани хафа қилгиси келмади, розилик берди:

- Фақат намозхонларга халақит бермагин, ўғлим. Бурчакроқда ибодат қила қол, — деди.

Девонасифат йигит қисинибгина бир бурчакка бориб ўтириб, масжидга йиғилаётган одамларни диққат билан кузата бошлади. Намозхонларга олдинига ҳавас билан тикилаётган йигитнинг авзойи бирдан ўзгара борди. Энди у ҳар бир кишига кўзларини катта-катта очиб, ҳайратланиб қарар, нигоҳларида гоҳ ачиниш, гоҳ қизиқиш, гоҳ алам зоҳир эди.

Охири ортига тисарила-тисарила масжиддан чиқиб кетди. Намоз бошланган вақтда эса, елкасида бир боғ ўтин билан, ҳаллослаб қайтиб келди. Туртиниб-суртиниб бир бурчакка ўтди-да, намоз бошлади. Ҳар саждага борганида елкасидаги ўтинлар тарақлаб тушар, намозхонларни роҳатсиз этар, атрофда безовталиқ бошланган эди. Намоз тугади. Жомедагилар ғала-ғовур қилиб, бир телбани масжидга киритгани учун имомдан норози бўлдилар. Имом нима гаплигини тушунолмай, кўзларини жавдиратиб турган девонасифат йигитнинг олдига келиб, сокинлик билан танбеҳ берди:

- Мени уялтирдинг-ку, ўғлим. Масжид ичига ўтин орқалаб келганинг нимаси? Бу ер Аллоҳнинг уйи, бунда одобсизлик қилиш мумкин эмас.

Йигит уятдан қизариб кетди, кўзларидан алам ёшлари қуйилди. Елкасидаги ўтинларни ерга тарақлатиб ташларкан:

- Ахир ахир мен сизларга ўхшамоқчи бўлдим. Масжидга фақат ибодат учун кирилади, деб ўйлар эдим. Аммо ҳамма елкасида юк билан кирди. Ҳеч ким ибодат қилмади, елкасидаги юки билан овора бўлди! - деди ва атрофдагиларнинг «Астағфируллоҳ!», «Ё Худо, Ўзинг асра!», «Бу жиннига масжидда нима бор эди?!» дея ғала-ғовур кўтарганига парво қилмай, одамларни бирма-бир қўли билан кўрсата бошлади:

- Мана, ишонмасангиз ўзингиз қаранг, мана бу одамнинг елкасида бир қари кампир мингашиб ўтирибди. Мана бу одамнинг елкасида товуқлар бор. Буниси елкасига чиройли бир жувонни ўтқизиб олган. Анави одамнинг елкасидаги гўдак тинмай чинқириб йиғлади, у одам гўдакни овутиш билан овора бўлди, ибодат қилмади.

Табиийки, одамлар у кўрсатганларни кўролмадилар, жумладан имом ҳам. Айримлар хахолаб кула бошлашди. Аммо йигит қўли билан кўрсатган одамларнинг ранглари қув ўчиб, тиллари лол, ўсал бир алфозга тушдилар. Улардан бири сал ўзига келиб, имомнинг қулоғига нимадир деди. Имом олдинига: «Йўғ-е! Ростданми?!» деди ҳайратланиб ва бироз ўйланиб тургач, секин йигитнинг олдига яқинлашиб, сўради:

- Айт-чи, ўғлим, менинг елкамда ҳам бирор юк борми?

Йигит имомдан кўзларини олиб қочди ва журъатсизгина:

- Албатта. Сиз ҳам ибодат қилмадингиз. Елкангизга семиз бир қўй мингашиб турибди, у билан овора бўлдингиз, — деди.

Йигитга диққат билан тикилиб турган имом бу гапдан сўнг қўлларини кўтариб, фарёд урди:

- Ҳайҳот, у тўғри гапиряпти! Тўғри гапиряпти! Ё Аллоҳ! Биз гумроҳларни Ўзинг авф эт!

Масжидда тўс-тўполон бошланди. Одамлар қўлларини силкитиб, бир-бирларига нималарнидир уқтиришар, кимдир силкиниб унсиз йиғлар, кимдир бошини чангаллаб ўтирар, имом эса чўккалаб қолган, тинимсиз «Ўзинг кечир! Ўзинг кечир!» дер эди.

Маълум бўлишича, ўша куни имомнинг қурбонликка атаб боқаётган қўйи касалланиб қолган бўлиб, имом масжидда ҳам шунинг ташвиши билан банд бўлган, ҳатто намоз вақтида ҳам «Боргунимча ҳаром ўлиб қолса-чи», деган ташвишли хаёлдан қутулолмаган эди.

«Елкасига қари кампир мингашиб турган» кишининг онаси бетоб эди ва у «Ҳозир камхаржман, онам бандаликни адо этиб қолсалар, маросимларини қандай ўтказаман?!» деган ташвишда эди.

«Елкасида товук кўтарган» одам товук олиш учун бозорга кетаётган бўлиб, йўл-йўлакай ибодат учун жомега кирган, лекин фикри ҳаёли товук бозорида эди.

«Елкасига чиройли бир жувонни ўтқизиб» олган йигит яширин маъшуқасининг висолига шошилар, йўлда учраб қолган амакисининг қистови билангина жомега кирган эди.

Islom.uz портали